

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ

ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАБИИЙ ФАНЛАР ФАКУЛТЕТИ

Экология кафедраси

С.Т.Абдурахманов

АРИД ҲУДУДЛАРДА СУҒОРМАСДАН
ҲОСИЛ ОЛИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ

САМАРАДОРЛИГИ

мавзусидаги

Илмий мақола

Наманган-2016

АРИД ҲУДУДЛАРДА СУҒОРМАСДАН ҲОСИЛ ОЛИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

С.Т.Абдурахманов

НамДУ, Катта илмий ходим-изланувчи

Кейинги йилларда Республикамизда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш аграр соҳанинг энг муҳим ислохатларидан бирига айланди. Дунё миқёсида аҳоли сонининг кескин ортиб бориши ер ва сув ресурсларига бўлган талабни кучайтириб бормоқда. Ер ресурсларининг суғорма деҳқончилик оқибатида дегредацияга учраши, ер ости сувларини ер юзасига кўтарилиши оқибатида шўрланишнинг кучайиб бориши ҳамда истеъмол қилинадиган сув ресурслари тақчиллигининг сезилиши бунга яққол мисолдир. Республикамиз қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш, сув ресурслари билан таъминлаш масалалари бўйича жуда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Мисол учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрда қабул қилинган ”Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ-1958-сонли “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида белгиланган вазифаларни 2008-2015 йилларда амалга ошириш натижасида Республикадаги шўрланган майдонлар 2015 йилда 2007 йилга нисбатан 154,7 минг гектарга камайди. Бунга 1 трлн 648 млрд сўм миқдорида катта маблағ сарфлаш эвазига эришилди; 1 гектар майдоннинг шўрини кетказиш учун 10652876 сўм сарфланган. Ўзбекистонда суғориладиган майдонларнинг 2 миллион гектаридан кўпроғидаги гидромелиоратив тизимлар ўзларининг амортизацион муддатларини ўтаб бўлганлиги сабабли каналлар ва ички суғориш тармоқларида суғоришга олинган сувнинг 13-41 % и беҳуда сарфланмоқда.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида экинларни мунтазам суғоришнинг бир неча усуллари мавжуд. Ўзбекистонда асосан эгатлаб суғориш усули кенг тарқалган. Аммо бу усулда 1 гектар майдонга 10-13 минг м³ сув сарфланиши унинг энг катта камчилигидир. Унда жуда катта миқдорда буғланиш натижасида суғориладиган майдонларда иккиламчи шўрланишнинг юзага келиши ва бундай ерларда ҳосилдорликнинг пасайиши, кейинчалик эса бутунлай ҳосил бермайдиган ҳудудга айланиши мумкин.

Томчилатиб суғоришда қатор афзалликлар билан бир қаторда тизимни барпо этишга капитал харажатларнинг нисбатан катталиги, қувур ва томчилатгичларнинг сувдаги қўшилмалар ҳамда кимёвий бирикмалар билан ифлосланиши натижасида сув ўтказмай қўйиши, суғориладиган дала микроиқлимини бошқариш имкониятининг пастлиги, боғ ва токзорларни қайта барпо этишда тизимни янгидан қуриш лозимлиги каби камчиликларга эга.

Т.Х.Хусанов томчилатиб суғоришни пахтачиликда қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини 1268940 гектар экин майдони бўйича ҳисоблаб чиққан. Қашқадарёда 2011 ва 2012 йилларда олиб борилган томчилатиб суғоришни жорий этиш бўйича ишларнинг самарадорлигини аниқлаш бўйича маълумотлар Т.Х.Хусановнинг мақоласида тўла келтирилган. Унинг маълумотлари асосида биз бу самарадорликни 1 гектар майдонга ҳисоблаб чиқдик. 1-жадвалда пахта етиштиришда суғориш усуллариининг иқтисодий

Пахта етиштиришда суғориш усулларининг иқтисодий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	1 гектарга қилинган сарф			Нархи, сўм	Умумий ҳаражатлар, сўм		
			Эгатлаб суғориш	Томчилатиб суғориш	Суғормасдан		Эгатлаб суғориш	Томчилатиб суғориш	Суғормасдан
1	Уруғ	кг/га	55	42,7	55	1900	104500	81130	104500
2	Минерал ўғитлар	кг/га	818	450	0	570	466260	256500	0
3	Ёқилғи маҳсулотлари	л/га	300	82	0	3961	1188300	324802	0
4	Суғориш суви	м ³ /га	13700	3650	0	25	342500	91250	0
5	Ёввойй ўтлардан ҳимоя	сўм/га	30000	0	0		30000	0	0
6	Экинларни яганалаш	сўм/га	30000	0	0		30000	0	0
7	Культивация	сўм/га	25000	0	0		25000	0	0
8	Электр энергия	квт/га	7356,9	3650	0	120	882840	438000	0
9	Пленка	кг/га				70			490000
	Жами:						3069400	1191682	594500
	Ҳосилдорлик	ц/га	26,4	45,0	18	776 1015	2048640	3492000	1827000
	Фойда, сўм						-1020760	+ 2300318	+1232500

кўрсаткичлари келтирилган. Жадвал натижалари бўйича эгатлаб суғориш 1020760 сўм зарар билан чиққан. Томчилатиб суғориш эса 2300318 сўм фойда берган. Аммо томчилатиб суғоришдаги жорий харажатлардан 1 гектарга 558000 сўмлик пленка, 540000 сўмлик томчилатиб суғориш шланглари, 151470 сўмлик эгилувчан шлангга кетган харажатлар ҳамда 2856026 сўмлик капитал маблағларнинг амортизацияси ҳисобдан четда қолган. Агар томчилатиб суғориш учун фильтрацион насос, сув тиндиргич ва магистрал полиэтилен трубопроводнинг амортизацияси 5 йил деб олсак, бу сумма 571205 сўмни ташкил этади. Уларни, яъни $558000+540000+151470+571205=1820675$ сўмни харажатга қўшсак, иқтисодий самарадорлик томчилатиб суғоришда 480643 сўмга тенг бўлади.

Суғормасдан ҳосил олишга келсак, бу усулда пахта етиштирилганда ҳосили кам бўлса ҳам, эрта пишади ва юқори сорт пахтанинг ҳиссаси катта бўлиб, сотиб олиш нархи юқори бўлади. Шу сабабли унинг фойдаси 1232,5 минг сўмни ташкил этди. Бу фермер учун пахта майдонидан катта фойда ҳисобланади.

Наманган давлат университети экология кафедрасида 2011-2016 йиллар мобайнида “Сабзавот экинларидан суғормасдан ҳосил олиш имкониятлари” бўйича дала тажриба тадқиқот ишларини ўтказилди. Тажрибалар асосан эрта баҳорги намни ушлаб қолиш ва тупроқ юзасини оддий полиэтилен пленка асосида мульчлаб хаводаги нам конденсацияси ҳисобига помидор, булғор қалампири, бақлажон ва пахта экинларидан бутун вегетация давомида суғоришсиз ҳосил олишга қаратилди.

Тажрибалар 2011-2013 йилларда Наманган вилояти Чортоқ туманининг насос орқали суғориладиган адир олди текислик ҳудудларида ўтказилди. 2014 йилда Жиззах вилояти Пахтакор туманининг “Сабо ғунчаси” фермер хўжалигида, 2015 йил Наманган вилояти Косонсой тумани “Ҳамкор” ҳамда 2016 йил Чортоқ туманининг “Муродулла уста пахтакор” фермер хўжаликларида амалга оширилди. 2013 ва 2016 йилларда сабзавот

экинларидан ташқари пахтани ҳам суғоришсиз етиштириш имкониятлари ўрганиб чиқилди.



1-расм. 2016 йилда ташкил этилган тажриба майдончаси.

Тажрибаларда 2011 йилда суғормасдан етиштирилган помидордан 235 ц/га ҳосил олинган. 2012 йилда бу кўрсаткич 166 ц/га, 2013 йил 168,6 ц/га ва 2016 йилда эса 102,3 ц/га ташкил этди. 2016 йилдаги тажрибада ҳосилдорликнинг кескин пастлиги шу йилда зараркунанда ҳашарот ва экинларга тушган касалликлар натижаси бўлиши мумкин. 1-жадвалдан сабзаётлардан суғормасдан ҳосил олишнинг самарадорлиги кўрсатилган. 2016 йилда помидордан олинган ҳосил паст бўлишига қарамай унинг шу йилда нархи 1500 сўмга тенг бўлиши сабабли 1 гектар майдондан олиниши мумкин бўлган даромад 15345000 сўмни ташкил этди. Булғор қалампири ва бақлажон экинларидан олинган ҳосил 2-5 млн сўм даромад берди. Аммо даромади фойда билан чиққан бўлса ҳам бу экинларда олинган фойда катта бўлмади (2-жадвал).

Олинган ҳосилдорликни билан солиштирсак, помидор бўйича суғормасдан ҳосил олиш имкониятнинг 20-52 %, булғор қалампири бўйича 20-30 %, бақлажон бўйича 0,12-0,30 % ини берди холос. Бунда қайд этиш лозимки, бу тажрибаларда бутун вегетация даврида экинларга минерал ўғит бериш, ёввойи ўтлардан ҳимоялаш, зарарли ҳашоратларга қарши ишлар,

культивация каби тадбирлар бутунлай ўтказилмади. Агар улар ўтказилганда, ҳосилдорлик бундан анча яхши бўлиши мумкин эди.

2-жадвал

Сабзавотлардан суғормасдан ҳосил олишнинг 1 гектар
ҳисобидаги самарадорлиги

Йил	Экин тури	Ҳосил ц/га	Сотилиш нархи, сўм	Даромад, сўм	Фойда, сўм
2011	Помидор	235,6	500	11783000	9673000
	Булғор қалампири	82,7	400	3306400	1196400
	Бақлажон	124,7	400	4986400	2876400
2012	Помидор	166,2	600	9973200	7863200
	Булғор қалампири	49,6	500	2483000	373000
	Бақлажон	56,6	500	2825000	1240000
2013	Помидор	168,6	750	12645000	10395000
	Булғор қалампири	79,7	600	4779600	2529600
	Бақлажон	48,7	500	2433000	483000
2016	Помидор	102,3	1500	15345000	12920000
	Булғор қалампири	60,4	800	4829600	2404600
	Бақлажон	86,8	500	4337500	2212500

2013 йилда 250 м² майдонда суғормасдан пахта етиштирилди ва 46 кг ҳосил олинди. Шу йили ҳосилдорлик 18,4 ц/га бўлиб, 2016 йилдагидан 3,6 ц кўп бўлган. Аммо таъкидлаш лозимки, тажрибаларнинг ҳаммасида экинларга вегетация даврида минерал ва маҳаллий ўғитлар солинмади. Лекин, шунга қарамадан бу экинлардан олиниши мумкин бўлган ҳосилдорлик 40-45 т/га. 2013 йилги 1 кўчатда 16 та чаноқдаги пахта 80 граммни ташкил этган. Бу эса 1 гектардан 50-70 центнер ҳосил олиш мумкинлигини кўрсатади. 2016 йилдаги тажрибада ҳосилдорликнинг пастлиги шу йилда кўсак куртининг кенг тарқалганлиги бўлди.

Суғормасдан ҳосил олишда асосида экин етиштирилганда ҳосили кам бўлса ҳам, эрта пишади ва юқори экологик соф маҳсулот ҳиссаси катта бўлиб, сотиб олиш нархи юқори бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Хусанов Т.Х. Экология и эффективность производства хлопка. Экологический вестник -№ 10. 2014.- с.10-17.

2. Камолов Б.А., Абдурахманов С.Т., М.Кориев. “Результаты опытов выращивания овощных культур и садоводства в предгорной зоне Ферганской долины без орошения”. Устойчивое развитие горных территории. №1. Россия. 2015. с. 48-52.